

Куч — адолатда




АДОЛАТ

ЎЗБЕКISTON «АДОЛАТ» СОЦИАЛ-ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ВА ҲУҚУҚИЙ ГАЗЕТАСИ

Ислоҳот ва самара

“ГУЛОБОД”ДА КЎКЛАМ СОҒИНЧИ

Табиатнинг дилбар фасли — баҳор ҳар гал янги орзу-умидлардан дарак бериб, юракларда яшаш, яратиш иштиёқини уйғотиб келади. Кўкларнинг илк нафасидан жонланиб, ранг олган дала, боғларда эса бўлғуси мўл ҳосил ташвишида сафарбар бир ҳолни сезасиз. Миришкор деҳқону боғбонлар ганимат кунларнинг қадрига етиб мавсум юмушларини авж олдирмоқдалар.



Самарқанд туманининг исми жисмига монанд “Гулобод” ширкат ҳўжалигида ҳам шундай манзаранинг гувоҳи бўласиз. Бугунги фаровонликнинг, дастурхон тўкин-сочиндигининг қалити меҳнатда эканлигини чуқур англаган миришкорлар 500 гектарлик боғ, 80 гектарлик галлароз парварлишини оби-тобида олиб бормоқдалар. Эртанги сабзавот, картошка экиш борасида илгор деҳқонлар тажрибасига суяниб иш тутимоқда. Куздаёқ сифатли ҳўжалик бўлиб қўйилган бир неча ўн гектар майдонга сабзи, қарам, картошка экилди.

Янги имкониятлари очилмоқда. Мухими деҳқонларда унумли меҳнатга рағбат уйғонмоқда. Дарвоқе ўтган йили “Гулобод” ширкат ҳўжалигида 3350 тонна сабзавот, 300 тонна галла кўпгаб мева, узум етиштирилди. Биргина сабзавотчиликдан 100 миллион сўм, галлачиликдан эса 23 миллион сўм даромад олинди. Боғдорчилик ва сабзавотчиликдан йил якунига кўра миллион сўмфойда олган оилавий пудратчилар озчилик эмас, Беги Норимов, Абдулло Муродов, Аваз Қобилов сингари уста деҳқонлар унумли меҳнат туфайли ана шундай юқори

гар корхоналар мўл ҳосил етиштиришда ҳўжаликка яқиндан ёрдам бериб келмоқдалар. Банк эса тўловларни ўз вақтида амалга ошириб деҳқонларнинг буюртмачилар билан ҳисоб-китобларини осонлаштирмоқда. Ҳўжаликда бутлур техника паркнинг қисман янгилаш мақсадида “ТТЗ-80” маркали янги тракторлар ва тиркачи мосламалар сотиб олинди. Шулар туфайли бутун 40 га яқин машина-механизмлар бенуқсон ишлатилиб агротехник тадбирлар қўлай фурсатларда амалга оширилмоқда.

Ху, “Гулобод”да деҳқончилик маданияти юксак. Ҳар қарич ер эътиборида. Сарф-харажатлар, таннарх доимо таҳлил, назорат қилиб борилади. Фойдасиз ишга қўл урилмайди. Ахир ҳўжаликда бозор талабини инобатга олиб ҳосил етиштирилган туфайли ҳар гектар ердаги сабзавот 1 миллион 200 миң сўмгача даромад келтирмоқда.

Адолат СДП ҳаётидан

Хисобот-сайлов конференцияси

Мамлакат парламентида бўлажак сайловлар арасида партия ўз дастурий гоғларини амалга оширишда кўпроқ қимларга суяниш керакми? Фуқаролар билан юзма-юз мулоқотларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим излашнинг? Ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш мақсадида бошқарув идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилганими?

Мамлакат парламентида бўлажак сайловлар арасида партия ўз дастурий гоғларини амалга оширишда кўпроқ қимларга суяниш керакми? Фуқаролар билан юзма-юз мулоқотларда ижтимоий-иқтисодий муаммоларга ечим излашнинг? Ижтимоий адолат тамойилларини қарор топтириш мақсадида бошқарув идоралари устидан жамоатчилик назорати ўрнатилганими?

Зиёли жамиятнинг зийрак нигоҳи

“Адолат” СДП Самарқанд шаҳар ташкилотининг яқинда бўлиб ўтган хисобот-сайлов конференциясида шу каби долзарб масалалар атрофида муҳокама этилди. Шаҳар партия Кенгашининг биринчи котиби Мамаюсуф Салимовнинг хисобот маърузасидан сўнг ташкилот фаолиятини кучайтириш, омма билан алоқаларни мустақамлаш юзасидан зарур тақлиф мулоҳазалар билдирилди. Партия фаоллари орасида зиёдиларнинг кўпайганлиги мам-

нуният билан таъкидланди. Чунки зиёли — жамиятнинг зийрак нигоҳи. Турмушдаги муаммоларга жавоб топишда, одамларни тўғри йўлга бошқаришда у доимо ташаббускор. Музокараларда сўзга чиққан вилоят бозор муносабатлари коллежи қошидаги бошланғич партия ташкилоти котиби Исомиддин Қуднов, “Чўпонота” маҳалласи бошланғич партия ташкилоти котиби Тўлқин Ғолипов, партия аъзоси Ғанишер Носиров ва бошқалар айни шу

Асака туманидаги 2-тажриба-экспериментал пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти томонидан хорижга экспорт қилинган тола иш амалиётида юқори сифатга эришиш халқаро фонди бошқаруви томонидан олтин медалга лойиқ топилди. — Бу хушхабар айниқса корхонамиз жамоасини руҳлантириб юборди, — деди жамият раиси Маҳмуджон Йўлдошев. — Бу муқофот ҳам жиҳатдан асакалик пахтакор деҳқонларнинг ҳам меҳнатига берилган баҳоидир. Олтин медални тантанали равишда топшириш учун корхона бошқаруви раҳбари 29-30 апрель кунлари Швейцария пойтахти Женевда бўлиб ўтадиган “Тижоратда энг юқори

АСАКА ТОЛАСИГА ОЛТИН МЕДАЛ сифат” Иккинчи халқаро форумга тақлиф этилди. “Форумда иштирок этиш Сизни бутун дунёдаги етакчи саноат, тижорат, фан ва маданият вакиллари билан бир қаторга қўяди. Бу эса улар билан чекланмаган доирада янги алоқалар ўрнатилишини, корхонамиз муҳолатларини барча қитъаларга сотилишига эришини унинг улкан имкониятларига аргумент”, дейилди тақлифномада. М. АКРАМОВ, “Туркистон-пресс”

Юртимизда кечаётган сиёсий жараёнлар, барқарорлик, ҳалқимиз фаровонлигини янада ошириш ватанимиз равақини оширишга йўналтирилмоқда. Мамлакатимиздаги сиёсий партияларнинг нуфузи ва мавқеи тобора ошиб бормоқда, уни “Адолат” СДП мисолида кўриш мумкин. Айни кунларда партия ташкилотлари масъулиятли синов арасида турибди. Икки палатали Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Маҳаллий кенгашларга бўладиган сайловларга тўлақонли тайёргарлик кўриш уларнинг долзарб вазифаларидан бирига айланмоқда.

Шунингдек, партия ташкилотларининг хисобот-сайлов йиғилишлари қизгин ўтказилмоқда. Энди навбат шаҳар, туман ва вилоят хисобот-сайлов конференцияларига юксак савияда ҳозирлик кўришга “Адолат” СДП Хоразм вилояти Кенгашининг кун кеча бўлиб ўтган на-

Республика қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлигида Президентимизнинг 2003 йил 24 мартда эълон қилинган “Қишлоқ ҳўжалигида иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришнинг энг муҳим йўналишлари тўғрисида”ги Фармони ижросининг бир йиллигига бағишлаб матбуот анжумани бўлиб ўтди.

ИСЛОҲОТЛАР ЖАДАЛЛАШМОҚДА Унда Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги Абдувоҳид Жўраев маъруз тарихий ҳўжалик соҳада кечаётган ислоҳотларни жадаллаштиришда, вазирликнинг бошқарув мақомини тўғри ўқитиришда, илгариги тақсимчилик ва турли даражадаги топшириқлар бериш, хисоботлар кўбул қилиш билан шуғулланишга кеч қўйиш ва кўйи ишораларда иш ўрниларининг қисқаришида муҳим аҳамият касб этганини таъкидлади. Ушбу Фармон ва ҳўкуматнинг 290-қарорига кўра бошқариш тизими тўғрисида бозор иқтисодиёти талаблари асосида қайта ташкил этилди. Натигада биргина вазирликнинг ўзида 15 та бошқарма қисқартирилди. Тизимга қарашли зарур қилиб ишлатилган 28 та корхона тугатилди. Иш ўрнилари қисқариш шартлари билан йилда 3,5 миллион сўм маблағ тежалди. Шунингдек, вазирлик тарихида биринчи марта ҳодимлар таллов асосида ишга қабул қилинди. Кенгашларнинг ташкил этилиши, уларга қишлоқ ҳўжалиги оид муҳим масалаларнинг муҳокама этилиши, бу боралда узоқ муддатта бўладиган дастурлар тўғрисидаги ҳам Президентимизнинг мана шу Фармони мевасидир, дея таъкидланди.

Матбуот анжуманида сув ҳўжалиги тизимининг ўзгаришлари ва илгоридаги тақдирга эътиборини СФУлар фаолияти ҳақида ҳам сўз борди. Минтақамизда сув муаммоси, ундан оқидона фойдаланиши, Президент Фармонлари ва Вазирлар маҳкамаси қарорларидан сўнг сув ҳўжалигини бошқариш тизимини рўй берган ўзгаришлар, сувдан фойдаланувчилар уюшмалари (СФУ) фаолияти йилдан-йилга тақомиллаштириб бораётгани, сувдан тежамкорлик билан фойдаланишда жўрнатилган хизмати муҳим ўрни тўғрисида таъкидланди. Анжуманда оммавий аҳборот воситалари ҳодимлари саволларига тегишли жавоблар қайтарилди.

Адолат қонун ҳимоясида ҲОКИМ Фарруҳ”ни қоралади суд эса уни ёқлаб, оқлади

Шу йил 7 февраль кунини Ўзбекистон Республикаси Вазирлари Маҳкамасининг 2003 йилда республикани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқунлари ва 2004 йилда иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг асосий йўналишларига бағишланган мажлисида маъруза қилган Президентимиз мана бу гапни алоҳида таъкидлаган эдилар. “Бутун жамиятимиз, бутун халқимиз, эртага мамлакатимизнинг иқтисодиёти қандай ривож топади, эртага Ватанимизнинг тақдирини нима бўлади ва мен бу ишга қандай ҳисса қўшаман, деган фикр билан яшаса, бунини маънавий ҳаётимиздаги ҳақиқий уйғониш фасли, чинакам уйғониш мавсуми деб атаган бўлардим”.

Дарҳақиқат, ҳаётнинг ўзи олдимишга янги-янги вазифаларни қўйиб турган бир паллада бу даъватнома сўзлар кишини қизгин қурашлар, ислоҳотлар майдонига чорлайди. Аммо... Аммо бутун таассуф билан айтиш лозим бўладики, ерини ҳақиқий эгасига топшириш масаласига масъулиятсизлик билан юзаки ёндашиш ҳоллари кўп учраб турибди. Зеро, 1996 йилда Учқўрғон тумани “Учқўрғон” ширкат ҳўжалиги ҳудудида ташкил этилиб, шундан буён самарали фаолият юритиб келаётган “Фарруҳ” фермер ҳўжалиги ҳам туман ҳокими бошлиқ масъулиятсизлар “нишон”га айланди. Аммо қийин пайтда унга қонун қалқон бўлди: тугатилиб кетишдан асраб қолди. Яъни, 2003 йил 30 декабр кунини Учқўрғон тумани ҳокими ўзининг 671-сонли, “Фарруҳ” фермер ҳўжалигининг ер майдонини ижарага олиш ҳуқуқини берор қилиш ҳамда фермер ҳўжалиги ҳисобидани 23 гектар

ЎТТИ ИҚЛИМ САДОСИ

Буюк Британиянинг Москвадаги элчиси Самон Эванс 2004 йилда Россияда қайта ишланган ядро ёқилгисини чиқариш ва сақлаш дастурини амалга ошириш учун Лондон ўттиз миллион доллар маблағ ажратилиши маълум қилди. 2002 йилда катта саккизлик давлатлари учрашувида собиқ иттифоқ давридан қолган оммавий қиргин қуролларини йўқ қилиш учун яқин ўн йил мобайнида 20 миллиард доллар ажратишга келишилган эди.

Грузия ташқи ишлар вазирлиги Ажария раҳбари Аслан Абашидзенинг дипломатик паспорти бекор қилинганлигини эълон қилди. Унинг ўли Батуми шаҳри мэри Георгий Абашидзе, Ажария ички ишлар вазири Жемал Гоготидзе ҳам дипломатик паспортларидан маҳрум этилган. Вазирлик вакилининг айтишича, мамлакат раҳбари Михаил Саакашвилининг топширигига биноан юқоридagi қарорга келинган.

Испания полицияси ислом экстремистик гуруҳига аълоликда шубҳа қилинаётган уч кишини ҳибсга олди. Полиция маҳкамасидан маълум қилишларича қамқоққа олиниши Мадриддаги терактларга алоқаси йўқ. Ҳибсга олинишдан иккитаси жазоирлик ва бирини сури-ялик бўлиб чиқди. Улар Валенсия шаҳрида қўлга олинган.

Чоршанба кунини Афғонистон ҳўкумати маълум қилишича, фуқаро авиацияси вазирининг ўлдирилиши муносабати билан Ҳирот вилоятидаги оммавий тартибсизликлар натижасида 16 киши ҳалок бўлган ва 27 киши жароҳатланган. Бундан аввалроқ эса Ҳирот вилоятида юзга яқин одамнинг ўлганлиги айтилган. Афғонистон ташқи ишлар вазири Абдулло Абдулнинг баёнотига кўра, вилоятдаги вазият назоратга олинган.

Хамас радикал гуруҳи раҳбари Аҳмад Есин исроилликлар томонидан ўлдирилганидан кейин “Ал Қоида” бунинг учун ўч олишни эълон қилган эди. “Ал Қоида”нинг “Абу Халфал ал Масри” жамоаси вакиллари фаластинликларга мурожаат қилиб, Аҳмад Есининг ўлими учун Исроил, АҚШ ва уларнинг тарафдорлари жавобгарлигини айтган. Хамас диний раҳнамосининг бу тарихда улам топиши фаластинликларни ҳам тўғрига келтирди. Жаҳоннинг кўпгина давлатларида Исроил ҳарбийларининг бу йўли номақбул деб баҳоланмоқда. Хамас раҳбарининг йўқотишга бош қош бўлган Исроил бош вазири Ариэл Шарон эса террорга қарши курашишда бу энг тўғри йўл деб таъкидламоқда.

ОЛИЖАНОБЛИК — ЭЗГУЛИК ДЕМАКДИР



Кўча дарвозасининг Жалилобод маҳалласида Абдушукр исми отахон яшардилар. Урта бўйли, беҳад камтарин, кўзлари, юзларидан табассум аримайдиган, каттаю кичикни...

Абдушукр ота хонадонининг бекасини ҳамда фарзандларини доим "Сиз"лаб мурожаат қилишга одатланган. Бир марта унинг кенжа ўлиги: "Уғлим, ойингиз банд экан, акаларингиз ҳам қайтмабди, малол келмаса, нонга чиқиб келасизми?"...

Отахоннинг Фатхуллада исми уғиллари билан кутилмаганда иқтисодиёт университетига учрашиб қолдим. Мен уни болалигимдан билардим. Биринчи галда ота ҳақида сўрадим. Уша келарди олийгоҳ ўқитувчилари ҳам, талабалар ҳам Фатхуллар билан бирга мактабда ва мен уларга хонадонлари, яъни ота-оналари ҳақидаги ҳақиқатни гапириб бердим.

Мен Фатхулладан ҳозир ҳам хонадонда отасининг удуми, яъни, ҳаммани бирдай эъзозлаши, "сиз"лаши давом этиб келаяптими?.. деб сўраганимда, у "Раҳматли падали бузрукворимизнинг этиқонига ҳатто кичкина набирани ҳам солиқ қолган", дея жавоб қилди. Зеро, "Қуш уясида кўганини қилди..." деб ота-боболаримиз беқорга айтмаган.

Фатхулла Шукрочев билан қачон суҳбатлашганим мусавоф қалбда бирор ноинсоний туйғу, тушунча йўқлигига қаноат ҳосил қилдиман. Ташушчалари теран, ҳислари мусавофо. Адабиёт, санъат ҳақида ҳам тасаввурлари, таассуротлари, тушунчаси ҳам беҳад чуқур ва кенг.

Фатхулла Каримов 1961 йили Тошкент Халқ ҳўжалиги институтининг иқтисод бўлимига ўқишга кириб, 1966 йили битирган, 1971 йили шу институтнинг аспирантурасида ўқиган. Ниҳоят номзодлики ҳам ёқлади. Доцент, кейинчалик сановат иқтисодиёти кафедраси доценти, сўнг шу институт кечки ва сиртки факультетлари декани, кейинчалик эса проректор лавозимларига ишлади. Профессор деган шарафли унвонга сазовор бўлди. 1992 йили у киши "Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган иқтисодчи" фахрий унвони билан тақдирланди. Фатхуллада кейинчалик Тошкент Молия институтига проректорлик лавозими тақдир этилди. Ҳозиргача шу лавозимда толмай меҳнат қилиб келаяпти.

Фатхуллада тааллуқли яна бир ҳақиқат мавжуд. Дарахларда, бошқа ўсимликларда, жумладан бошқа жониворларда ҳам насл қолдириш ҳиссиёти мавжуд. Жумладан инсонларда ҳам. Инсон нафақат насл қолдириш, ҳатто шоғир қолдириш бахтига ҳам мусоясар. Биз тилга олаётган олимимиз ўзига ўхшаш камтарин, меҳнатқаш, фидоий шоғирлар ҳам тайёрлаб, инсонийлик бурчини ҳам адо этди ва бу борада таҳсинга сазовор бўлди. Шоғирлар дарахларнинг илдизлари... илдизсиз эса дарах кўкамрайди... илдизлар мавжуд экан, демек дарах узоқ умр кўради. Мевалари билан тирик жонни таъминлаб туради. Ҳаётини устайтиради.

Мустақиллик олижаноб ва фидоий фуқароларга эҳтиёж сезаётди. Фидоий деганимизда нафақат ўз касбига, оиласига содиқ одам қўзда тутилди. Узоқ даврли қарамликдан қўтилган ватанимиз, миллатимизга вафодор, яъни, мана шу тушунча-туйғу йўлида фарзандларимизга беминнат хизмат қилдиган, ёрдам кўрсатадиган, мустақилликни мустаҳкамлашга чин юракдан кўмаклашадиган ҳақиқий фидоий кишилар кирди. Фатхулданинг беҳад тақводор, беҳад олижаноб, камтарин, камсуқум ота Абдушукр ака ва онаси Тожиннисо онамиздан дунёга келган фарзандлари ҳеч қачон ёмонлик йўлини тутмайдилар. Эзгулик эзгулигича, олижаноблик олижаноблигича, гўзаллик гўзаллигича қолади. Ҳеч қачон гўзаллик тубанлик билан ўрин алмашмайди. Олмадан олма, гилосдан гилос, анжирдан анжирнинг ҳосили кўтарилди. Бу зотининг шоғирларди, ҳамкасблари шу фикрда экан. Мана шунинг ўзи Фатхуллага берилган баҳо. Мен бир иходкор сифатида унда фақат гўзал сиймони кўрдим.

Ўқтам ҲАКИМАЛИ


Ислоҳот ва самара



ГУРЛАНДА БАҲОР

куёш юртининг фарзандларига яна бахту иқбол олиб келди

Баҳорги юмушларга берилган бу туман аҳлининг меҳнатлари маҳсулини ҳар қадарда ҳис этасиз. Яна дилбар келиш-чакдек безанатган гўзал табиат гўзели уларни яратувчилик ва яшатувчилик ишларига руҳлантириб юборгандек. Ваҳоланки, ҳар йили шундай: баҳор келиши, Наврўз эшик қоқиши биланоқ Гурлан туманида ободонлаштириш, кўсаламзорлаштириш ишлари кучайтириб юборилади.



Туманнинг ишчан ҳокими Раҳимберган Матрасуловни шундай пайта кабинетидан топаман деганлар адашадилар. Тонгини далада қарши олган ҳоким эртаю-кеч туманнинг минг бир ташвишлари билан банд. Ҳамма нарсани ўз жойида қўриб, ҳал этишга одатланганлигини хотир-жадликни асло ўзига эп қўрмайди. Муомиласиди ҳаммага бирдек муносабат масалалар ечимини ҳал этишга асқотлади. Ешули билан биз ҳам иш жараёнида учрашдик. Марказдаги катта йўлнинг икки четини замонавий услубдаги янги, кўркэм бинолар ҳисобига янада обод этиш масалалари ҳусусида фаоллар билан маслаҳатлашган экан.

— Зап яхши иш бўлди-да, — деди давралдаги кўпчи кўрган отахонларнинг бири. — Туманимизга ҳам янги замон нафаси кириб келадиган бўлибди.

Аслида бу айтиш ҳақиқат эди. Туманда янги ишбош ва замонавий иморатлар қурилишига эътибор кучайтирилганлигига ҳеч қанча вақт бўлгани йўқ. Аммо самараси кўзга ташланмоқда. Айниқса, борларини янги андозада ва қиёфада таъмирлаб, эътиборни тортадиган ҳолга келтириш яхши натижа берапти. Эндиликда эса мейвора қуриладиган янги бинаоларнинг замонавий лойиҳалари устида ишламоқдалар.

— Яқин орада туманимизнинг марказий кўчалари янгича қиёфа касб этади, — дейди туман ҳокими Раҳимберган Матрасулов бизга юзланиб. — Жой эгалларнинг ўзлари ва таъбиркорлар бу ишга бош-қош бўладилар. Уларнинг ҳисобидан амалга ошириладиган қурилишлар туманимиз аҳлининг руҳиятини янада кўтарди. Улар шундай жойда яшасин, меҳнат қилаётганликларидан юртин раванга топиришга ўз ҳиссаларини қўшаётганликларидан тўқинландилар. Биз яратиш, яшатиш орқали қолдирилган ойдан йўлга чиқиқ олдик. Мустиқлигимизни эвазига ҳамма соҳада олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар имкониятларинини янада кенгайтирмоқда. Туманимизни ҳаёти билан танишган ҳар бир киши бунга тўла иқдор бўлади.

Дарҳақиқат, ўзининг ишбилармон, узоқни кўра биладиган раҳбарлиги, меҳнатсевар кишилар, қалби пок инсонлари ҳисобига Гурлан тумани тора равиювонлигидан бормоқда. Иқтисодий ислоҳотларнинг амалий натижалари қатор соҳаларда кўзга ташланмапти. Айниқса, кейинги йилларда туман деҳқонлари мўл бўлгў ҳиссага етиштирмоқдалар. Шодилан жоқсак хирмон уюшатишти. Эндиликда эса пахтадан жоқори ҳосил олишни кўзламоқдалар. Бунинг учун эрта баҳордан бошлаб амалий чоралар қўрилмоқда. Чунки пахтанинг қадрини ҳар бир гуранлик яхши билиб боради. Уларни етиштирган пахтанинги ўзларига қаратади. Пахта тозалаш заводига қайта ишлатиб, ўзларига қаратади замонавий ишлаб чиқариш корхонасида тайёр маҳсулотга айлантирилиб, ўзини-ўзини ташқари хориғга ҳам экспорт қилинаётганлигиндан доимо фخرланадилар. Зеро, бутунги кунда "Гурлан" акционерлик жамияти бунга қўлай шартин яратмоқда. Эртаю-кеч қизинг меҳнат мароми аж олаётган бу корхонада 900 нафарга яқин ишчи-хизматчи меҳнат қилади. Уларнинг ҳаммаси маҳаллий мутахассислар, асосан ёшлар, хотин-қизлардир.

Корхонада ўтган йили ишлаб чиқарилган маҳ-

сулотлар солиштирма нархларда 2800140 минг сўмини ташкил этди ва бу кўрсаткич 2002 йилдаги нисбатан 17,2 фоизга ўсди. Спорт кийимлари ва трикотаж маҳсулотларининг харидорчилиги орди. Чет эллик харидорлар қаторига Белияндан ташқари АҚШ ҳам қўшилди. Ҳозир акционерлик жамиятининг 30 фониз маҳсулот хориғга экспорт қилинмоқда ва бу орқали мамлакатимизга биригина ўтган йилнинг ўзида 365 минг 990 АҚШ доллари миқдорига чет эл валютаси кириб келди. "Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган" деган ёрликларни ўзига ярашиб турган бу маҳсулотларни тайёрлаган ишчиларнинг қишлоқ ёшлари, қизлар ва аёллар эканлигини ўйлаб ҳам янада гурулданадиган. Улар бутун уйда беқор ўтирмай иш билан, унумли меҳнат билан машғул. Тайёрлаган маҳсулотлари эса Ўзбекистондек имкониятлари бой мамлакатнинг янги бир қиррасини намоён этмоқда. Яъни, юртимизнинг шухратини оширяпти. Қўвномлай бўлишим, Хоразмда бўлиб ўтган "Умид ниҳоллари — 2003" мусобақаларини эсланг: қатнашчиларнинг қадли-қоматига ярашиб турган спорт кийимларининг ҳаммаси шу корхонанинг маҳсулотлари. Еки, Бухорода ўтказилган "Универсиада" да ҳам шундай бўлди. Бу дегани — энди биз ҳеч қандам ҳам эъмасиз: чет элларнинг билан тенгласа оладиган қатор маҳсулотларимиз каби ўз спорт кийимларимиз ҳам бор.

Гурлан енгил сановат касб-ҳунар коллежи тармоқдаги етакчи ўқув даргоҳларидан бири. "Осиё таракқиёт банки" туманидан берилган кредит ҳисобига бу ўқув маскани замонавий ўқув жиҳозлари, компьютерлар, бошқа анжомлар билан таъминланган. "Таълим тўғрисидаги қонун", "Қадрлар тайёрлаш миллий Дастури" та мувофиқ ишлаб чиқилган режа коллеждаги 874 нафар ўқувчининг пухта касб эгаллашга йўл очмоқда. Уларга 65 нафар олий маълумотли ўқитувчи, педагог-муҳандис, 15 нафар ишлаб чиқариш таълими устаси билим бермоқда.

— Бу ерда 8 йўналиш бўйича мутахассислар тайёрланади, — дейди коллеж директорининг ўринбосари А.Якубов. — Биз билимни, зукко, етук қадрлар тайёрлашга доимо алоҳида эътибор билан қараймиз. У ўз навбатида туманимиз ҳокимлиги ҳам бизни астойдил бизни қўллаб-қувватламоқда. Энг алоҳи қўвчиларимизга стипендия-

лар ташкил қилиб, уларни рағбатлантириб келаяпти.

Хўш, ёшлар бунга жавобан нималар қилишмоқда? Ўқиш ва ишда фаол бўлишга интиломоқда. Жумладан, Севара Исқандарова, Юлдаз Қўқорова, Санъат Аллаёров, Сафар Юсупов, Мехрибон Валоева, Зокир Бобоқонов каби иқтидорли талабалар нафақат коллежининг балки бутун туманнинг фарғига айланган. Қолаверса, маъзур даргоҳда ўтказилаётган қўллаб-қувватлов таъдбирлар йигит-қизларнинг дунёқарашини шакллантиришга, уларни ҳаётда фаол бўлишга даъват этапти. Халқимизнинг севимли айёми — Наврўз байрамига бағишлаб бу ерда бўлиб ўтган "Баҳор маликаси" кўрик-танловида тумандаги касб-ҳунар коллежлари ва мактабларининг энг иқтидорли ўғил-қизлари иштирок этишлар. Билими, зукко ва лобар бу қизлар маъзур таъдбирда 5 та шарт бўйича беллашдилар. Барча талабалар бўйича коллеж талабаларидан Зулмуор Тузубоева билан Зулмуор Маматовлар гўлиб чиқибди, биринчи ўринни эгаллашга муваффақ бўлишди.

Шундай туман аҳли ўзларининг бурғунги умидли ёшлари билан эртанги кунга далил бормоқдалар. Талаба йигит-қизларнинг ўткир билими, райрату, шижоати, истеъдоди Ватанимиз олдидagi ўз фарзандлик бурчларини пухта адо этишга интилоётганликларидан далолат бермоқда. Энг муҳими, ота-оналарининг улардан кўнглилари доимо тўқ. Ахир ёшлар Ватанга муносиб фарзанд бўлиб етишмоқдалар. Булар бўлмас нарсаларнинг таъсирига берилмай замонавий илмларни пухта эгаллашапти. Хукуматиимизнинг ўзларига бўлган

Содиқ ИНОЯТОВ, журналист. Рустам АХМАДАЛИЕВ, "АДОЛАТ" мухбири

ҚУРИЛИШДАГИ СИЛЖИШЛАР

Мамлакатимизнинг муҳим қурилишларидан бири Ташгузар-Бойсун-Қумқўрган темир йўл қурилишидаги ишлар кун сайин жадаллашмоқда.

Маълумки, бунёд этилажак темир йўл қурилишининг 115 километри. Сурхондарё вилояти ҳудудидан ўтади. Темир йўл тоғ-тошлар, тепаликлар, адирликлар орқали ётқизилади. Айни пайтада Тангимўш-Бойсун ўртасидаги ноте-кис жойлар портлатилиб, текисланди. 57 та сув иншооти барпо этилди.

Қурувчилар шу йилни ўзида 2 миллиард 750 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширишга бел боғлашган. Айтиш керакки, 1 миллиард 200 миллион сўм миқдоридagi маблағ кетадиган катта қўламдаги ишлар "Шерободсуқурилиш" жамоаси томонидан амалга оширилди.

Ватанимизнинг жанубий минтақаларига қўплан қўп қўлайликлар олиб келувчи темир йўл қурилишидаги ишлар янги босқичга кўтарилди.

Ажаб савдолар

1. ҲОЖАТБОРОР «ФИРМАЧ»

Йўлда шошиб келаятган мункиллаб қолган Шайтонга ҳамжинси Лаин учраб қолибди. — Ҳай, ҳай йўл бўлсин. Оши Худойдан қолдингми? — Инсондан сабоқ олишга кетаётгудим, — деди Шайтон. — Инсондан! Қизикмасан, дўстим! Ахир дунё-дунё бўлибдики, бизнинг ота-боболаримиз одамзотни измига бўйсундириш илнжиди курашиб келмоқда. Сен бўлсанг...

— Замондан ортда қолганин шундай кўриниб турибди. Ҳозир биласаним, давр бошқа. Одамлар орасида сени, мени дово қолдирадиганлар кўп. Улар бойлик ортириш, мўмай даромад топиш илнжиди ўзларини ўтга-чўга уришди. Ҳатто ишончли топлаш, алдаб-авраш борасида шайтонга дарс беришди. — Тавба...а. Шунча дегин, — Лаин Шайтоннинг гапларини тинглаб бармоқ тиллаб қолибди.

Одил Жумаев 2000 йилнинг январь ойинда "Эдем" ҳамда "Мойчечак" хусусий фирмаларининг директори вазифасида иш бошлади. Одамларга яхшилик қилиш, кўмаклашиш унинг одати. Ҳожаатборорлик ҳам савоб-да! У пайтларда эл-юртга нафим тегса, ошим ҳалол бўлади, деб ўйлаган фирма бошлиғи ошига шайтон қўлини ботирмаган эди. Аммо, мўмай даромад Одил Жумаевни аввалига эсанкиратиб қўйди. Кейин эса ҳеч иккиланмай жиноят кўчасига етаклади. Пулни кўрганда ақл ўзини нафса бўшатиб беради, деганлар шу бўлса керак. Қингир йўлга қаддам қўйган Одил Жумаев Рустам Хайдаров билан учрашиб қолди. — Агар йўқ демасан ҳамкорликда ишласан, — деди Одил Жумаев. — Назаримда, сиз дори-дармон билан шуғулланасиз, шекилли.

СУРАТЛАРДА: Туман ахли бутун кўчат экиб, бог яратиш ишқи билан ёнапти. 2. Энг илгор ташаббускор ранс Эриммат Солиқовни нафақат унинг ўзи раҳбарлик қилаятган "Амулар" ширкат ҳўжалиги, балки бутун Хоразм вилоятида алоҳида ҳурмат қилишди. Ранисинг меҳр-муруват борасидаги ишлардан қувонишди. Айни пайтада у баҳорги юмушларга ҳам бош-қош бўлмоқда.

3.5. "ГУРЛАН" акционерлик жамиятида ишлаб чиқарилган маҳсулотлардан намуналар. 4. Моҳир тикувчи М.Сайганова шундай жамоада меҳнат қилаётганлигиндан доимо мамнун. 6. Гуран касб-ҳунар коллежи талабаларининг бир гуруҳи. 7. Коллежда дарслар олданоқ замонавий компьютерлар ёрдамида олиб борилади. 8. Гуран тумани прокурори Кўқор Раҳимов қишлоқ фуқаролар йигинлари раислари даврасида навбатдаги семинар-йигилш тафсилотларини баҳам кўрмоқда. 9. Республика кўрик-танловида гўлиб чиққан миллия таянч пункти ходими янги "Матиз" машинаси жуда ярашиб турибди.

II. "АСКЛЕПИЙ" ПАНД ЕДИ

О.Жумаев "Асклепий" фирмаси мута-саддиларини анчадан бери танийди. Уларнинг фаолият кўламини яхши тушунади. Чунки маъзур фирма билан у 2000 йил

сентябрь ойидан буён ҳамкорлик қиларди. "Эдем" ва "Асклепий" фирмалари ўрта-сида дори-дармон олдиди-бердисида оид № 701109-сонли шартномаси тузилган. Шунга кўра О.Жумаев 2000 йил 26 сентябрдан бошлаб турли рекевизитлардаги тўлов топшириқномаларига асосан 2 миллион 800 минг сўм пул қўйдири. Олиндидаган маҳсулот таннархининг 15 фоизини "Асклепий" фирмасига ўтказган "Эдем" фирмаси раҳбари О.Жумаев 8 миллион 608 минг 236 сўмлик мулкни қўлга киритди. 2001 йилнинг 15 январига келиб Одил Жумаев иккинчи "Мойчечак" фирмаси орқали харакатга тушди. Мўжал аниқ — "Асклепий" фирмаси. № Н-109-сонли дори-дармон олиш тўғрисидаги шартнома имзоланди. Бу гал ҳам турли расмий ҳужжатлар орқали 9 миллион 154 минг 691 сўмлик дори-дармонларни олиб кетган қорчалон "Асклепий" фирмаси мутасаддилари ишончини сунистеъмол қилиб, фир-

мага 5 миллион 194 минг 451 сўм миқдориди зарар етказди. Мўмай даромад топишининг жиноят деб аталмиш жиркан қўчасига кириб қолган Одил Жумаевнинг қингир ишлари учриб боради. "Дори-дармон операция"си савдосида унинг олдиди шайтон ҳам ип эшомай қолди. Ҳамкорликда ишлаш учун келишган "Асклепий" фирмасининг 22 миллион 685 минг 273 сўмлик мулкни қўлга киритгани унинг ўзига хос "санъати"дан далолат эмасми?!

О.Жумаев моддий томондан қийналган Абдурахмон Ашурбоевга ёрдам қилини чўзди-ю, гафирқонуний хатти-харакати билан яна жиноят эшигига бош суқди. Асли Сурхондарёда туғилган Абдурахмон Ашурбоев Бухоро шаҳрида яшайди. У ишонинг қўзғини билладиган урдабурон одам. Аммо кизи Мастуранинг орғиб қоллиши, моддий томондан қийналаётганидан азият чекарди. Шундай қунарларнинг бирди таниши Одил Жумаевни учратиб қолди. Ахволи айтарли яқши эмаслигидан ноланган Абдурахмонга "Эдем" ҳамда "Мойчечак" фирмалари раҳбари О.Жумаев йўл-йўрик кўрсатган бўлди.

— Қисинманг, ака! Мен сизга ёрдам бераман. Фақат пул ишлаш учун бирон бир дорихонанинг муҳр ва штампни керак. Тошкентда танишларим бор. Уша ердан дори-дармонни оламиз. Биласиз, унинг бозори чақон. — Мен розиман. Аммо муҳр ва штамп...

— Бу ёғи энди сизга боғлиқ. Гап фақат иккаламизнинг орамизда қоллиши керак. Штамп ва муҳрда корхонанинг дори-дармон билан шуғулланиши акс этиши лозим. Абдурахмон Ашурбоев фурсатни бой бермай ишга киришди. Бир йўлини топиб реэинадан "Дори-дармон — 2000" хусусий фирмаси ёзуви битилган штамп ва муҳр ясади. 2001 йил 15 октябрь куни ҳожаатборор Одил Жумаевга ҳамтовбоқ бўлган А.Ашурбоев тижоратнинг шу туридан фойда кўрмоқчи бўлди. Шундай қилиб, аслида йўқ хусусий дорихона "Дори-дармон — 2000" ҳамда Тошкентдаги "Дори-дармон Гарант" унитар корхонаси ўртасида товар олиш тўғрисида 575-сонли шартнома тузилди. Келишилганидек, қалбаки штамп ва муҳр босилган, сохта ёзувлар билан тўлдирилган юк хатти ишончномалар орқали 5 миллион 284 минг 118 сўмлик дори-дармонлар олинди. Тошкент "Отчопар"ида маълум миқдордаги дори-дармон 4 миллион сўмга пулланди. 2 миллион сўм улушини олган Абдурахмон Ашурбоев биратула қимлардандир олган қарзларини тўлади. Қолган пулни ўз эҳтиёжлари йўлида сарфлади. Кўп ўтмай "тадбиркор"ларнинг кирдиқорлари шош бўлиб, қонун олдиди жавоб беришларига тўғри келганда, ниғоҳларига ерга қаллади. Таниқли адиб Абдулла Каҳхор: "Хар қандай қонунга чап бериш мумкин-дир, лекин унинг асосига чап бериб бўлмайди. Чунки қонунлар одамдан таққарида, виждон эса унинг юрагиди бўлади", деган эди. Таассуфки шундай: хукм эса қатий.

Саъдулло АШУРОВ, Бухоро вилоят прокуратурасининг Иқтисодий жиноятлар ва коррупцияга қарши курашиш бўлими алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчиси. Моҳира ШАКАРОВА, "АДОЛАТ" мухбири

Меҳр-мурувват улугъ фазилат

Мақоламини бундай номлаганим бежиз эмас. Мен бугун Сизларга ўзаро самимий, мустаҳкам дўстона ришталар билан болганлар, қирқ беш йилдан бери яхши-ёмон кунларда, қувончу ташвишларда бир-бирига камарбаста бўлган, бугунги кунда олди етмиш ёшни қоралаб қолган, навқирон йигитлик чоғидан яқин дўст тутиниб, бу дўстликка қарийб ярим асрдан бери содиқ қолиб келаятган аjoyиб инсонлар ҳақида сўзлаб бормоқчиман. Булар жуда катта ҳаёт мактабини ўтаган, жамиятда ўз ўрни, макеига эга бўлган, элу юртига сидқидилдан хизмат қилишликни ҳаётининг мазмунига айлантирган, ҳавас қилса арзғулик ибратли оиласига бош-қош бўлган зиёли, фидокор, заҳматқаш инсонлар. Булар — менинг жонажон, қадрдон улфатларим.

УЛФАТИНГ БОР — БЎЛМАЙСАН ХОР

Бизнинг ҳар ойда бир мартаба камтарона дастурхон атрофида бир-биримизникида йиғилишиб, ўтказадиган гап-гаштагимиз замирида зиёфат бериб, дўстларни меҳмон қилишга эмас, аслида дилдорлашув, илқ дўстона сўхбат қириш, бир-биримизнинг ҳол-аҳволимиздан, ишларимиз, муваффақиятларимиз, қувончу ташвишларимиз, ютуғу камчиликларимиздан хоҳабар бўлиш, меҳр-оқибат, самимий эгани.

Ҳар бир улфатимизнинг ўзи бир олам, чунки ўзига хос фазилати, бизни ўзига қорлаб турадиган аjoyиб хислатлари бор. Орамизда техника, тарих, геология, иқтисодий, фалсафа каби соҳаларнинг зўр билимдонлари, фан номзодлари, докторлари, профессорлари, академиклари, олиму фузалолар бор бўлиб, уларнинг мароқли ва дилқаш сўхбатларидан баҳраманд бўлган ҳар бир киши жуда катта маънавий ва руҳий қонқиш олади.

Инсон яшар экан, ҳаёт мазмуни фақатгина кун ўттири қорин тўйиши билан белгиланмаслигини, аникрофи, баҳоланмаслигини билмоғи лозимдек туюлади кўнглимда. Зеро, биз ҳар бир улфатчиликка борганимизда дастурхонга нима қўйиларкин, қандай таомлар тортиларкин деб эмас, балки бутун сўз устаси Носирхўжа ака қайси бир янги ҳаётий ҳангомаси билан дилчимизни ҳушнуд этаркин, ширинсухан фан номзоди Шуҳрат ака давлатлар тарихидан, айниқса, ўзи кўп мартаба ўтган собиқ мустабид тузум даврида ташриф буюрган Афғонистоннинг ёки бошқа биров давлатнинг ўтмиши ва ҳозирги ҳаёти ҳақида яна қандай қизиқ воқеани айтиб берад экан деб, лутфу қарамини поилаб тургандек сезамиз ўзимизни. У киши шундай оҳангда сўзлайдики, бутун вужудингиз қулоққа айлиниб қолганини сезмай ҳам қоласиз, ёки фан докторлари Эркин, Тўйғун, Абдулла ака, фан номзодлари Тўлқин, Тўхтавой акаларнинг илм-фан, фалсафа, сиёсат ҳақидаги фикр-мулоҳазалари, Ватанга, элу юртга муҳаббат, фарзандларнинг тарбияси, талабалар билан жон қуйиб-риб даре олиб боришлари, лекциялар ўқишлари ҳақидаги жўшиб гапирган гапларига тан бермай илҳоминг йўқ, албатта. Ғийбатдан, ҳасаддан йироқ бўлган улфатлар гурунги худди дўстлар орасидаги меҳр ва мурувват улашувчи нафис мажлиста ўхшаб кетди, назаримда. Анвар аканинг қороналарда ўтказиладиган аудиторлик текширувларини ташкил этиш ҳақидаги сўхбати ҳам ҳамма улфатларда катта қизиқиш уйғотди. Қорхонага текширув келишидан олдин қорхонани (ёки фирма ва ҳаказо) камчилик ва хатолардан тозалаб, ҳар қандай келгусида уш бериши мумкин бўлган ноҳушликларнинг ол-

соат чамаси ўн иккиларда эшитдим. Бу воқеа ҳақида дўстимизнинг уйига ҳабар бериш керак эди. Аммо унинг телефонига тушиб бўлмади, у эса бошқа бир дўстимиз — Мирюнуста қўшини турарди. Мен дарҳол уларикига қўнғирок қилдим, гўшани кўтарган келинони эса яқинда у киши "Тошгаз"дан навбатчиликдан келганликларини ва "бироз кечроқ келаман (тундаги соат ўн икки яримлардаги гапга эътибор беринг), бир дўстимнинг гази ёмон ёнаётган экан, ўшаникига бориб тўғрилик келаман" деб чиқиб кетганларини айтди. Мен воқеани тушунтирган эдим, "хавотир олмагн, ўзимиз қўшимизга айтиб қўямиз", деб бизни юпатдилар.

